

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**АЛЛАЯРОВ ШАМСИДДИН АМАНУЛЛАЕВИЧ**

**МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА СОЛИҚ  
ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract**

**Аллаяров Шамсиддин Амануллаевич**

Молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш методологиясини такомиллаштириш .....3

**Аллаяров Шамсиддин Амануллаевич**

Совершенствование методологии укрепления налоговой дисциплины в обеспечении финансовой безопасности .....35

**Allayarov Shamsiddin Amanullaevich**

Improving the methodology of strengthening tax discipline in ensuring financial security .....67

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published orks.....71

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**АЛЛАЯРОВ ШАМСИДДИН АМАНУЛЛАЕВИЧ**

**МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА СОЛИҚ**  
**ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.DSc/Iqt94 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва “ZiyoNet” ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Ташмурадова Бувсара Эгамовна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Гулямов Саидахроп Саидахмедович**  
академик, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Жумаев Нодир Хасиятович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Ниязметов Исломбек Машарипович**  
иқтисодиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темури шох кўчаси, 60А-уй. Тел.:(99871)-234-53-34, факс: (99871)-234-46-26, e-mail: [ilmiykengash@tfi.uz](mailto:ilmiykengash@tfi.uz).

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темури шох кўчаси, 60Ауй. Тел.:(998)71-234-53-34.

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.З. Тешабаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н. Каландарова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**И.Н. Қўзиёв**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш бўйича мезонлар халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу мезон талаблари асосида давлат солиқ сиёсатини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ, ҳозирги глобал пандемия шароити дунё мамлакатлари молиявий барқарорлигига хавф солиш эҳтимолини кескин оширмоқда. Жумладан, АҚШ иқтисодчи олимлари ва экспертлари, “солиқ интизومي паст бўлган мамлакатларда молиявий инқироз risks юқори бўлиши, агар солиқ интизومي мустаҳкамланмас экан, ҳеч қандай иқтисодий восита билан молиявий барқарорликни таъминлашнинг имкони йўқлигини - таъкидламоқдалар”<sup>1</sup>. БМТ Бош Ассамблеясининг Савдо ва Ривожланиш конференцияси тадқиқотлари ва прогнозларига кўра, “пандемия инқирози 2020 - 2021 йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кескин камайишига олиб келади ва унинг оқимларини 2019 йилда 1,54 трлн. АҚШ долларлик қийматидан 2020 йил якунига бориб, деярли 40 фоизгача камайиши мумкинлиги тахмин қилинган”<sup>2</sup>. Бундай шароитда солиқ интизомини мустаҳкамлаш асосида молиявий хавфсизликни таъминлашнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Халқаро амалиётда нуфузли молия муассасалари ҳисобланган Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, БМТнинг Тараққиёт дастурлари каби халқаро ташкилотлар томонидан молиявий хавфсизликни таъминлаш бўйича услубий тавсияларни такомиллаштириш мақсадида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Халқаро валюта жамғармаси томонидан ривожланаётган мамлакатлар мисолида солиқ интизомига риоя этилишининг хўжалик юритувчи субъектлар самарали фаолиятига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган илмий тадқиқот натижаларига кўра солиқ маъмуриятчилиги самарали йўлга қўйилган мамлакатларда солиқ интизомига риоя этилиши даражаси нисбатан юқорилиги асосланган. Ушбу тадқиқотлар нуфузли тадқиқот марказлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, халқаро стандартларда белгиланган талаблар асосида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш имконини беради. Бу ривожланган давлатлар тажрибаси асосида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш методологиясини янада такомиллаштириш учун муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистонда давлат молиясини бошқаришнинг янги самарали восита ва усулларидан фойдаланиш асосида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш методологияси ва умумий назариясини ривожлантириш зарурияти пайдо бўлмоқда. Бу борада иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналиши сифатида

<sup>1</sup> Schuberth, H. (2014). Tax Policies and Financial Stability: Lessons from the Crisis. DOI:10.7551/mitpress/9780262018340.003.0006

<sup>2</sup> World investment report 2020. International production beyond the pandemic. 2020. United Nations. p. 2. [https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/wir2020\\_overview\\_ru.pdf](https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/wir2020_overview_ru.pdf)

“солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш”<sup>3</sup>, “солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ муносабатлари соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни бартараф этиш, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш”<sup>4</sup>, “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси вазифалари ижроси якунида солиқ мажбуриятини ихтиёрий бажариш даражасини 90 фоизгача етказиш лозимлиги”<sup>5</sup> таъкидланди. Булар давлат томонидан самарали солиқ сиёсатини юритиш бўйича стратегик режалаштириш ва прогнозлаштириш вазифаларини белгилаб берди. Мазкур вазифалар ижтимоий соҳани рағбатлантириш ҳамда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш, солиқ интизомини мустаҳкамлаш, унинг молиявий хавфсизликни таъминлашдаги ўрнини кучайтириш ҳамда солиқ интизомини мустаҳкамлашнинг услубий асосларини такомиллаштириш заруриятини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сон “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 26 сентябрь ПФ-5837-сон “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 ноябрдаги 736-сон “Солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда

<sup>3</sup> 2017- 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-ИЛОВА. Халқ сўзи газетаси 2017 йил 8 февраль.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5837-сонли фармони, 2019 йил 26 сентябрь.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон қарорига 1-илова”Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси”нинг 3-боб, 3.3-банди.

белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шархи**<sup>6</sup>. Молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишлари жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Federal Reserve System (FRS), The Administrative and Budgetary Administration (UN), The International Finance Corporation (IFC), International Development Association (IDA), US Congressional Budget Office, Department of Administrative Services – Office of Economic Analysis Oregon, Department of US Economic Development (АҚШ), Philippine Institute for Development (Филиппин), Deutsches Institut für Wirtschaftsforschung (DIW, Германия), The Oxford Institute for Economic Policy (OXONIA, Англия), Economist Intelligence Unit (EIU) (Англия), the Fraser Institute (Канада), Институт народнохозяйственного прогнозирования РАН (Россия), Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодий университети (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлашнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган изланишлар асосида қуйидаги илмий натижалари олинган, жумладан: давлат молиявий хавфсизлигининг фискал ва монетар инструментларини амалга оширишда фискал рискни баҳолаш услубиёти ишлаб чиқилган (Federal Reserve System - FRS); молиявий хавфсизликни таъминлашда бюджет омиллари таҳлили методологияси орқали солиқ хавфсизлиги концепцияси оптималлаштирилган (The Administrative and Budgetary Administration - UN), (The International Finance Corporation - IFC);

---

<sup>6</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шархи [www.ima.org](http://www.ima.org); [www.cima.org](http://www.cima.org); [www.pwc.com](http://www.pwc.com); [www.deloitte.com](http://www.deloitte.com); [www.kpmg.com](http://www.kpmg.com); [www.usf.edu](http://www.usf.edu); [www.leeds.ac.uk](http://www.leeds.ac.uk); [www.nitrkl.ac.in](http://www.nitrkl.ac.in); [www.kyushu-u.ac.jp](http://www.kyushu-u.ac.jp) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган. <https://vc.ru/finance/117361-frs-ssha-kak-ustroen-samy-vliyatelnyy-centrobank-mira>. UN General Assembly - Administrative and Budgetary Questions Administrative and Budgetary Committee (Fifth Committee) // <https://www.un.org/en/ga/fifth/rl.shtml>. Карева О. Н., Карева А. О. анализ проектной деятельности международного института развития "международная финансовая корпорация" // вестник российского университета кооперации, научный журнал на тему: экономика и бизнес, право. 2020, №4(42), с.56-62. Past Economics Seminars. OXONIA Distinguished Speaker (англ.) (Серия семинаров OXONIA, проведенных на экономическом факультете Оксфордского университета). Oxford University. Department of Economics. Дата обращения: 25 мая 2020. Архивировано 25 июня 2020 года.

All countries - The Economist Intelligence Unit // <http://country.eiu.com/all>. М.П. Афанасьев, Н.Н. Шаш “Положительный баланс бюджета государства: причины и следствия (на примере федерального бюджета России) // Научные труды: Институт народнохозяйственного прогнозирования РАН ISSN Печатный: 2076-3182 DOI: 10.47711/2076-318-2020-46-58.

фискал танқислик шароитида иқтисодийнинг базавий тармоқларидаги корхоналарни молиявий соғломлаштиришда табақалаштирилган солиқ ставкаларини жорий этиш орқали солиқ интизомига риоя этилиши асосланган (The Oxford Institute for Economic Polity – OXONIA, Англия), (Economist intelligence Unit – EIU, Англия); солиқ интизомига риоя этилишини таъминлаш орқали давлат бюджети ижобий балансига эришишнинг фискал риск унсурлари такомиллаштирилган (Институт народнохозяйственного прогнозирования - РАН).

Дунё миқёсида ҳозирги кунга келиб, молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустақамлашнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: фискал инструментларнинг солиқлар ва солиққа тортиш усуллари орқали молиявий хавфсизликни таъминлашнинг фискал механизмларини такомиллаштириш; солиқ хавфсизлигида оптималлашган солиқ маъмуриятчилигини ишлаб чиқиш орқали солиқ интизомига риоя этилишини таъминлаш; солиқларни бюджетга ундириш ва бюджетдан қарздорлик даражасини камайтириш мақсадида солиқ интизомига оид методологияларни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш; солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ва солиқ органларининг солиқ қарзларини тартибга солиш ва ундиришда солиқ рискларини бошқаришнинг шаффофлигини таъминлашга эришиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустақамлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик йирик иқтисодчи-олимлар Д.Балдвин, Б.Бузан, М.Кахлер, С.Лессман, Д.Нанто, А.Позен, М.Реннер, А.Сен, Дж.Терлуин, Ю.Ченгнинг илмий ишларида атрофлича ўрганилган<sup>7</sup>.

МДХ мамлакатлари олимларидан Алиев А.М., Савченко Н.Б., Шлянкевич С.В., Алиев Х.Б., Маргулис Р.Л., Тотикова Т.Е. ва бошқа бир

---

<sup>7</sup>Baldwin, D. The concept of security [Электронный ресурс] / D. Baldwin // Review of International Studies. – 1997. – No. 23. – Pp. 5-26. – URL: <http://www.princeton.edu/~dbaldwin/selected%20articles/Baldwin%20> (дата обращения 14.01.2018); Buzan, B. New Patterns of Global Security in the Twenty-First Century” [Электронный ресурс] / B. Busan // International Affairs. – 1991. – Vol. 67, No. 3. – URL: <http://euroakadeemia.ee/materjalid/Buzan%20-%20New%20>; Kahler, M. Economic security in an era of globalization [Электронный ресурс] / M. Kahler // The Pacific Review. – Vol. 17, No. 4. – URL: <https://www.tandfonline.com/doi/full/10.1080/0951274042000326032?scroll=top&needAccess=true> (дата обращения 08.04.2018); Lessmann, C. Regional inequality and internal conflict [Электронный ресурс] / C. Lessmann. – CESifo. Working Paper, 4112, 2011. – 35 p. – URL: [http://www.cesifo-group.de/DocDL/cesifo1\\_wp4112.pdf](http://www.cesifo-group.de/DocDL/cesifo1_wp4112.pdf); Nanto, D. Economics and National Security: Issues and Implications for U.S. Policy [Электронный ресурс] / D. Nanto // Congressional Research Service. – URL: <https://www.fas.org/sgp/crs/natsec/R41589.pdf>; Posen, A. Report of the Working Group on Economics and National Security / Posen, D. Tarullo // Princeton Project on National Security [Электронный ресурс].– URL: <http://www.princeton.edu/~ppns/conferences/reports/fall/ENS.pdf>; Renner, M. The Anatomy of Resource Wars [Электронный ресурс] / Renner. – Worldwatch Institute, 2002. – 47 p. – URL: <http://www.worldwatch.org/system/files/WP162.pdf>; Sen, A. On Economic Inequality / A. Sen. – Oxford: Oxford University Press, 1997; Terluin, I. J. Towards regional differentiation of rural development policy in the EU [Электронный ресурс] / I. J. Terluin, G. S. Venema // Wageningen University and Research Center, Agricultural Economics Research Institute. – 2003. – URL: <https://ideas.repec.org/p/ags/aerirs/29141.html> (дата обращения 14.07.2018); Cheng, Y. Income inequality and applications to China / Y. Cheng, S. Li // Economics Letters. – 2006. – No. (91). – p. 8-14.



қатор тадқиқотчилар солиқ назорати ва солиқ маъмуриятчилиги назарияси, методологияси ва амалиётининг айрим масалалари бўйича шуғулланганлар<sup>8</sup>.

Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлар Э.Гадоев, Ш.Гатаулин, И.Завалишина, Т.С.Маликов, О.Олимжонов, Х.Собиров, А.Жўраев, Ш.Тошматов, М.Альмардонов, О.Абдурахманов, Б.Тошмуродова, Н.Ҳайдаров, Қ.Яҳёев, Н.Кузиева, С.Элмирзаев, И.Ниязметов, Б.Санақулованинг илмий ишларида солиққа тортиш амалиётида солиқ интизомига риоя этилиши масалаларининг назарий ва илмий-услубий жиҳатлари қисман ўз аксини топган<sup>9</sup>.

Аммо, мазкур олимларнинг ишларида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш йўллари тизимли тарзда тадқиқ этиш ва унинг диққат марказида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш молиявий таъминотининг муҳим асоси бўлмиш “давлат фискал мақсадлари ва солиқ дастаклари самарали амал қилиш механизми” мутаносиблигини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг такомиллашган механизмини яратиш масаласи кўйилмаган эди. Ўзбекистонда молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш муаммосининг долзарб эканлиги ва иқтисодий адабиётларда етарли даражада ўрганилмаганлиги ушбу муаммони тадқиқот мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида

---

<sup>8</sup> Алиев А.М. Совершенствование механизма налогообложения / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – М.: 2011. – 21 с.; Савченко Н.Б. Совершенствование платежной дисциплины в механизме налогообложения предпринимательской деятельности / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – М.: 2011. – 27 с.; Шлянкевич С.В. Усиление контрольной функции налогов в современном механизме налогообложения / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – М.: 2012. – 29 с.; Алиев Х.Б. Развитие налогового контроля в РФ / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – М.: 2012. – 23 с.; Маргулис Р.Л. Совершенствование системы налогообложения в РФ / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – М.: 2010. – 25 с.; Тотикова Т.Е. Реформирование налогообложения и налогового контроля доходов физических лиц в России / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – Саратов.: 2012. – 21 с.

<sup>9</sup> Гадоев Э. ва бошқ. Солиққа оид хатолар. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 1996. -128 б.; Гадоев Э., Кўзиева Н. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. – 281 б.; Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: ДСҚ, 1996. – 241 б.; Завалишина И. Солиқлар: назария ва амалиёт. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 2005. – 544 б.; Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ, 2009. – 448 б.; Ваҳобов А., Маликов Т. Молия. – Т.: «НОШИР», 2012. – 712 б.; Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т.: Академия, 2002. - 204 б.; Маликов Т., Олимжонов О. Молиявий менежмент. – Т.: Академия, 1999. – 254 б.; Собиров Х.Р., Фаттахов А.А., Иминов О.Н. «Налогообложение малого и среднего бизнеса в Республике Узбекистан» - Т., Молия, 2000. -114 с.; Тошматов Ш. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли: Монография. – Т.: Фан ва технология, 2008. – 204 б.; Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 128 б.; Ҳайдаров Н. Молия. 1-қисм. – Т.: Академия, 2001. – 185 б.; Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан ва технологиялар, 2003. – 247 б.; Кузиева Н. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар молия ва кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, - 296 б.; Ниязметов И. “Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш” мавзусидаги докторлик диссертацияси Автореферати. Т.: БМА, 2018.- 70б.

молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш методологиясини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлашнинг назарий-услубий асосларини ёритиш;

солиқ интизоми ва молиявий хавфсизликни таъминлаш омили сифатида солиқларни бюджетга ундириш ва бюджетдан қарздорлик даражасини камайтириш йўллари тадқиқ этиш;

Ўзбекистон Республикасида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомига риоя этилиши амалдаги ҳолатини таҳлил этиш;

Ўзбекистон Республикасида солиқ интизомини мустаҳкамлаш мақсадида солиқ назоратини такомиллаштириш йўллари ёритиш;

молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш методологиясини такомиллаштириш йўналишларини илмий асослаш;

солиқ интизомининг молиявий хавфсизликка таъсирини баҳолашнинг математик аппаратини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикасида солиқларни бюджетга ундириш тизими олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш методологиясини такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гуруҳлаш, тизимли қиёсий таҳлил ва тизимли ёндошув, иқтисодий-математик моделлар, эксперт ва таққослама таҳлили, башоратлаш, маълумотларни статистик ишланмаси методлари каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

муддатида қайтарилмаган ортиқча тўловлар ҳамда ортиқча ундириб олинган солиқ суммаларига қайта молиялаштириш ставкасига тенг бўлган 14 фоиз ставкада фоиз тўлашни жорий этиш орқали солиқ интизомига икки томонлама риоя этишни таъминлаш асосланган;

солиқ тўловчиларга бир йилдан уч йилгача муддатга солиқ тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш асосида тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш таклиф этилган;

трансферт нархни белгилашда 20 фоиз ва ундан юқори сунъий камайтирган ҳолатларда тўланмай қолган солиқ тўловларини бюджетга ундириш орқали солиқ интизоми такомиллаштирилган;

марказлашган маблағлар ҳисобига амалга оширилаётган қурилиш учун бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларидан ажратилаётган маблағлар ҳисобига қўшилган қиймат солиғини 15 фоиз этиб белгилаш ҳамда махсус

хисобрақам орқали ҳаракатлантириш асосида бюджетга тўловларни таъминлаш асосланган;

солиқ интизомининг молиявий хавфсизликка таъсирини баҳолашнинг математик аппарати ишлаб чиқилган ва уларнинг узок ва қисқа муддатли боғлиқликда амал қилиш коэффициенти аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

давлатнинг самарали солиқ сиёсати, ҳудудий иқтисодиёт ва минтақавий ривожланиш дастурлари ижроси амалиётининг жаҳондаги илғор тажрибалари ҳамда бу борада Ўзбекистондаги мавжуд имкониятларнинг тадқиқи асосида молиявий хавфсизликни таъминлашда мамлакатда ва унинг ҳудудларида, иқтисодиёт тармоқларида, юридик ва жисмоний шахслар солиқ интизомини мустаҳкамлаш методологияси, самарали воситаларини шакллантириш ва амалга оширишни таъминлашнинг зарурлиги ва аҳамияти асосланган;

мамлакатимиз солиқ салоҳиятини бошқаришнинг амалдаги механизми таҳлили асосида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизоми реал ҳолатини баҳолашнинг заиф жиҳатлари аниқланган ҳамда уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

иқтисодиёт модернизацияси ва либераллашуви шароитидаги Ўзбекистон Республикасида турли омилларнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этишнинг янги концептуал схемаси асосида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлашнинг ўрта ва узок муддатли вазифаларни амалга оширишга қаратилган комплекс тадбирлари тизими таклиф этилган;

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига ҳамоҳанг тарзда молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш йўналишларини такомиллаштириш Концепциясининг махсус варианты ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган ёндошув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлардан молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш методологиясини такомиллаштириш, уни халқаро стандартлар талаблари асосида ташкил қилиш ҳамда мамлакатимизда “Солиқлар ва солиққа тортиш”, “Молиявий хавфсизлик” ва “Солиқ маъмуриятчилиги” фанларини илмий-назарий жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қилиши ҳамда солиқ

тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан солиқ интизомини мустаҳкамлаш методологиясини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий ва услубий тавсияларни ишлаб чиқишда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасаларида соҳага оид фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш методологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий изланишлар асосида:

муддатида қайтарилмаган ортиқча тўловлар ҳамда ортиқча ундириб олинган солиқ суммаларига қайта молиялаштириш ставкасига тенг бўлган 14 фоиз ставкада фоиз тўлашни жорий этиш орқали солиқ интизомига икки томонлама риоя этишни таъминлаш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2020-йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4555-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 17 июндаги 06/04-02-01-31/1547-сон маълумотномаси). Натижада, солиқ тўловчиларнинг айланма маблағларини солиқ идоралари томонидан олиб қўймаслик таъминланган ва бу солиқ тўловчиларнинг банк кредитларига бўлган талабини маълум бир миқдорга камайтирган;

солиқ тўловчиларга бир йилдан уч йилгача муддатга солиқ тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш асосида тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳририда (97-модда) ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 17 июндаги 06/04-02-01-31/1547-сон маълумотномаси). Натижада, бир томондан, солиқ тўловчилар ўз айланма маблағларига эга бўлишига қулай имконият яратилган, бошқа томондан тўлаш муддати кечиктирилган суммага фоиз тўлаш тартиби жорий қилинганлиги сабабли бюджетга тўловлар интизоми мустаҳкамланган;

трансферт нархни белгилашда 20 фоиз ва ундан юқори сунъий камайтирган ҳолатларда тўланмай қолган солиқ тўловларини бюджетга ундириш орқали солиқ интизоми такомиллаштириш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳририда (106-модда) ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 17 июндаги 06/04-02-01-31/1547-сон маълумотномаси). Натижада, амалиётга солиқ мажбуриятининг бажарилиши мол-мулк гарови, кафиллик, банк кафолати каби усуллар билан таъминлаш мумкинлиги жорий қилинган;

марказлашган маблағлар ҳисобига амалга оширилаётган қурилиш учун бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларидан ажратилаётган маблағлар

ҳисобига қўшилган қиймат солиғини 15 фоиз этиб белгилаш ҳамда махсус ҳисобрақам орқали ҳаракатлантириш асосида бюджетга тўловларни таъминлаш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳририда (176-модда) ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 17 июндаги 06/04-02-01-31/1547-сон маълумотномаси). Натижада, халқаро амалиётда ҳам, республика ичида ҳам кўп учрайдиган “солиқ муаммоси”ни бартараф қилишга эришилган;

солиқ интизомининг молиявий хавфсизликка таъсирини баҳолашнинг математик аппарати ишлаб чиқилган ва уларнинг узоқ ва қисқа муддатли боғлиқликда амал қилиш коэффициентини аниқлаш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2021 йил фискал стратегияни ишлаб чиқишда, ҳамда давлат бюджети даромадлари бўйича хатарларни бошқаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 17 июндаги 06/04-02-01-31/1547-сон маълумотномаси). Натижада, 2020 йил I чорагида айнан мазкур услубий асосида солиқ интизомининг молиявий хавфсизликка таъсирини баҳолашнинг иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва истиқболини аниқ прогноз қилиш асосида мамлакатимизда молиявий-иқтисодий барқарорликни таъминлашга, давлат фискал имкониятлари бардавомлиги ва иқтисодиёт реал секторида иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга қаратилган қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 6 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, жумладан 1 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та илмий мақола, жумладан 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 269 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлашнинг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомига риоя этилишининг омилли тадқиқи, солиқ хавфсизлиги тизимида солиқ интизомини мустаҳкамлашнинг хусусиятлари ва ҳозирги замон муаммолари, солиқ интизомини мустаҳкамлашнинг методологик асослари каби масалалар ёритилган.

Молиявий хавфсизликни таъминлаш масаласи алоҳида мамлакат миқёсидан чиқиб, иқтисодий глобал миқёсга кўчибгина қолмасдан, жаҳон иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган барча сиёсий, иқтисодий ва илмий доираларнинг кун тартибидаги энг долзарб мавзулардан бирига айланиб улгурди.

Жаҳондаги иқтисодий интеграция натижаси ўлароқ молиявий хавфсизлик нуфузли халқаро молия ташкилотларининг фаолият йўналишига айланиб, турли иқтисодий-сиёсий дастаклар орқали молиявий барқарорликни сақлаш чоралари кўриб келинмоқда.

Дунёдаги етакчи “Делоит энд Тач” аудит ва консалтинг компаниясининг Европа давлатларидаги йирик корхоналар ўртасида ўтказган тадқиқоти солиқ маъмурчилиги содда, солиқ интизоми юқори бўлган Нидерландия, Буюк Британия, Германия, Испания ва Франция каби мамлакатларда банкротлик эҳтимоли пастлигини, шу сабабдан молиявий барқарор ва хавфсизлиги учун хорижий инвесторлар ўзлари учун истиқболли давлат деб билишлари маълум бўлган.<sup>10</sup>

Буюк Британиянинг Бирмингем университети профессори У.Эйвис ҳамдўстлик мамлакатлари мисолида солиқ интизоми ва молиявий барқарорлик ўртасидаги ўзаро боғлиқликни татбиқ этиб, солиқ интизомини мустаҳкамлаш солиқдан қочиш, солиқ солинадиган активлар ва даромадларни яшириш ҳолатларини камайтириш орқали солиқ солиш базасини мустаҳкамлаган ҳамда солиқ тўловчилар томонидан харажатларни самарали бошқарилишига сабаб бўлган. У.Эйвиснинг хулоса қилишича, солиқ интизомини такомиллаштирилиши ҳамдўстлик мамлакатлари фискал барқарорлигини мустаҳкамлаб, уларда давлат томонидан хўжалик юритувчи

---

<sup>10</sup> Deloitte and Touch (2013). European Tax Survey: The Benefits and Stability. Deloitte Publications.

субъектларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун маблағлар ажратиши билан изоҳланади<sup>11</sup>.

АҚШнинг Массачусетс технологиялар институти профессори Х.Шубертга ўз изланишларида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомининг таъсирини ўрганиб, солиқ интизоми паст бўлган мамлакатларда молиявий инқироз rischi юқори бўлиши, агар солиқ интизоми мустаҳкамланмас экан, ҳеч қандай иқтисодий восита билан молиявий барқарорликни таъминлашнинг имкони йўқлигини тасдиқлади<sup>12</sup>.

Ижтимоий-иқтисодий тизимлаштириш қоидалари асосида солиқ интизомининг янгича талқинини беришимиз мумкин: “**солиқ интизоми** – яхлит ташкилий-ҳуқуқий асосларда солиқ муносабатлари субъектларининг ҳамкорликда ўсишга эришиш орқали ихтиёрийлик асосида ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг бюджетга ўз вақтида ва бир маромда тўлиқ тушишини таъминлашга қаратилган, риоя этилиши лозим бўлган тартиб-қоидалар ва тадбирлар мажмуидир”.

Молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлашнинг самарали йўллари тадқиқига *янгича* ёндошув миллий солиқ тизимини “давлатнинг фискал мақсадлари ва самарали солиқ дастаклари ўзаро мутаносиб ва уйғун амал қилиши”ни таъминлаган ҳолда мукаммаллаштириш, солиққа тортиш амалиётида субъектлар манфаатлари муштараклигини таъминлаш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш орқали инвестицион фаоллик ҳамда солиқ тушумлари ўсиши истиқболларини таъминлашга оид тавсиялар берилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган ва 2020 йилдан кучга кирган янги таҳрирдаги Солиқ Кодекси инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришни, шунингдек, солиқ назорати шакллари ва механизмларини такомиллаштиришни кўзда тутганлиги алоҳида аҳамиятлидир.

Молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш йўллари янгича мазмунда тадқиқ этишни танлаган тадқиқотимиз, уни иқтисодий тизимлаштириш қоидалари асосида ўрганиш бу жараёни бир вақтнинг ўзида уч даражадаги тизимли муносабат иштирокчилари мақсадли фаолияти йиғиндиси сифатида қарашни талаб этади (1-расм).

---

<sup>11</sup> Avis, W. (2016). Linkages between taxation and stability (GSDRC Helpdesk Research Report 1346) Birmingham, UK: GSDRC, University of Birmingham.

<sup>12</sup> Schubert, H. (2014). Tax Policies and Financial Stability: Lessons from the Crisis. DOI:10.7551/mitpress/9780262018340.003.0006

Солиқ интизоми давлат молиявий хавфсизлигини таъминлашнинг мезони сифатида

Солиқ интизомини мустаҳкамлаш давлат солиқ сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида

Солиқ интизомини мустаҳкамлашнинг мустақил тизим сифатидаги тавсифи

**Мақсади** – давлат ижтимоий, иқтисодий мажбуриятлари молиявий таъминоти учун солиқли даромадлар барқарорлигини таъминлаш

**Моҳияти** - яхлит ташкилий-ҳуқуқий асосларда солиқ муносабатлари субъектларининг ҳамкорликда ўсишга эришиш орқали *ихтиёрлик асосида* ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг бюджетга ўз вақтида ва бир маромда тушишини таъминлаш жараёнидир

**Омиллари** - инфляция, миллий валюта курси, энергия манбаларига жаҳон нархларининг ўзгариши, сиёсий барқарорлик, солиқ юкининг нотекис тақсимооти, қўшимча солиқ имтиёзлари берилиши

**Молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлашнинг янги мазмуни**

**Тамойиллари** – корпоратив солиқларни режалаштириш амалиётида ривож этилиши лозим муҳим талаблар ва шарт-шароитлар йиғиндиси

**Турлари** – солиқ тушумлари режаси (прогнози) га нисбатан йиғилувчанлик, ялпи ички маҳсулотга нисбатан, яъни солиқ юки даражаси сифати билан боғлиқ йиғилувчанлик

**Тушунчани қўллаш ҳолатлари:** солиқ тизимини такомиллаштириш юзасидан солиқ сиёсати истиқболларини ишлаб чиқишда; бюджет даромадларини шакллантиришда; бюджет ижросида

### 1-расм. Молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлашнинг янги мазмуни<sup>13</sup>

Солиқ хавфсизлиги концепциясини шакллантириш жараёни қуйидаги омиллар таъсирида юзага келади: биринчидан, ушбу жараён солиқ

<sup>13</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг мазмуни ва хусусиятига боғлиқ; иккинчидан, ушбу жараён мазкур муносабатларнинг реал тарзда амал қилиши ва ривожланишининг тарихий шароитларига боғлиқ; учинчидан, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий онгги ва маданиятига боғлиқ.

*Солиқ интизоми ва унга риоя этилиши зарурлигини асословчи муҳим талаблар ва шарт-шароитлар мазмуни* солиқ муносабатлари иштирокчиларининг солиқ қонунчилиги доирасида давлат молиявий хавфсизлиги мақсадида фискал базанинг таъминланишини ҳамда солиқ тўлашнинг ихтиёрийлиги асосида солиқ интизомига риоя этилиши даражасининг ўсиб бориши ва барқарорлигини талаб этилишида намоён бўлади.

Мазкур ҳолат *солиқ интизомига риоя этилиши даражасини миқдорий баҳолаш услубиёти*ни чуқур тадқиқ этиш зарурлигини тасдиқлайди. Солиқ менежменти тизимида тўлов ва ижро интизомига риоя этилиши миқдорий даражасини баҳолаш тизимининг тадбирлари алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур тизимда солиқ интизомини мамлакат ва ҳудудий миқёсда комплекс таҳлил қилиш имконини берувчи қатор кўрсаткичлар тавсия этилади, солиқлар бўйича тўлов интизоми коэффицентини ҳисоблаш, ижро ва тўлов интизомини баҳолаш услубиёти муҳим ўрин эгаллайди.

Бюджет тизимида солиқ тушумлари динамикаси *солиқлар юзасидан тўлов интизоми даражасига* бевосита боғлиқ бўлиб, мазкур кўрсаткич мустақил равишда тўланган солиқлар суммасининг ҳисобланган ва жорий молия йилида назорат тартибидаги тадбирлар орқали қўшимча ҳисобланган солиқлар суммасига нисбати орқали аниқланади. Мазкур кўрсаткич солиқ қонунчилигига риоя қилинишининг реал даражасини акс эттиради ва жорий мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ.

Жорий солиқ мажбуриятлари билан боғлиқ ҳолда солиқлар бўйича тўлов интизомини баҳолаш учун, бизнинг фикримизча, “*солиқлар юзасидан тўлов интизоми коэффицентини*” кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, мазкур кўрсаткични қуйидагича ҳисоблаш лозим:

$$СТИ = \frac{\sum \text{Ҳсй} - \sum \text{Ҳск}}{\sum \text{Тсй} - \sum \text{Ҳусй}} * 100 \quad (1^*)$$

*\*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган*

Бу ерда, *СТИ* - солиқлар юзасидан тўлов интизоми коэффицентини;

*Ҳсй* – молия йилида ҳисобланган солиқ ва йиғимлар (шу жумладан, солиқ назорати тадбирлари орқали ва илгариги солиқ даврлари учун қўшимча ҳисобланган тўловлар ҳам);

*Ҳск* - солиқ органи томонидан амалга оширилган ҳамда солиқ тўловчилар томонидан декларацияда аниқланган жорий мажбуриятлар бўйича ҳисобланган солиқ ва йиғимлар суммасининг камайтирилиши;

*Тсй* - жорий ва олдинги даврлар учун ундирилган солиқ қарзларини ҳам қўшган ҳолда жорий даврдаги солиқ тушумлари ва йиғимлари;

*Хусй* – жорий ва илгариги даврлар учун ундирилган солиқ ва йиғимлар суммаси.

*Кенг маънода солиқ интизоми* тушунчаси солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилигининг комплекс ижросини ифодалайди ва у ҳақиқатда солиқ тушумлари, йиғимлар, пеня ва жарималар, боқиманда миқдорининг ҳамда солиқларни тўлашдан бўйин товлашнинг динамикасига таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, **солиқ интизоми** категорияси нафақат ҳуқуқий, балки шу билан бирга молиявий хусусиятга ҳам эгадир, у *кўп жабаҳали* тушунча бўлиб, ўз ичига *формал, тўлов ва ижро интизомлари*ни олади.

*Формал солиқ интизоми* сифатида солиқлар ва йиғимлар тўловчилари, солиқ агентлари томонидан солиқ қонунчилигида белгиланган, аввало, ҳисоботларни ўз вақтида топширишга оид, солиққа тортиш объектлари бўйича тегишли маълумот базаларига ишончли маълумотларни киритишга оид, солиқ текширувлари жараёнида тегишли ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этишга оид кўрсатмаларнинг бажарилиши тушунилади.

Диссертациянинг **“Солиқ интизоми мустаҳкамлашда солиқ тўловлари юзасидан бюджетдан қарздорлик даражасини камайтиришнинг аҳамияти ва имкониятлари”** деб номланган иккинчи бобида солиқларни бюджетга ундиришнинг фискал мақсадлар ижроси учун аҳамияти, солиқ тўловлари юзасидан бюджетга қарздорликлар генезиси, сабаблари ва улар даражасини камайтириш масалалари ҳамда жаҳон солиқ амалиётида солиқларни бюджетга ундириш ва бюджетдан қарздорлик даражасини камайтиришга оид тажрибалар тадқиқ қилинган.

Бюджетга режалаштирилган солиқ тушумлари ижросида ҳақиқатда келиб тушган тўловлар солиқ йиғилувчанлиги даражасини, режага етмаган қисми эса солиқлар бўйича бюджетга боқиманда даражасини ифодалайди. **Солиқ тўловлари юзасидан бюджетга қарздорликлар сабаблари** турлича бўлиб, уларга бир қатор омиллар таъсир қилади:

1. *Бюджет даромадларини режалаштиришдаги камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилиши.* Агар бюджет даромадлари тўғри режалаштирилган бўлса солиқ тушумларининг келиб тушиши билан бюджет даромадлари ўртасида боғлиқлик мавжуд бўлади ва солиқларнинг йиғилувчанлиги таъминланади.

2. *Солиқ тушумлари прогнозларининг илмий асосланганлиги даражаси.* Ушбу омил энг муҳимларидан бири бўлиб, солиқ тушумларининг бюджетга тушиш жараёни қанчалик объектив прогноз қилинган бўлса, солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси ҳам шунча ошади. Бюджет даромадлари режалаштирилаётганда солиқ тушумларининг прогнозига таянилади, агар солиқ тушумлари нотўғри даражада прогноз қилинган бўлиб, унга асосланган ҳолда бюджет даромадлари режалаштирилса, солиқ тушумларининг келиб тушиши ва бюджет даромадларининг миқдори ўртасида манфий фарқ юзага келади.

3. *Солиқ тўловчиларнинг солиқ потенциалини аниқлашдаги хатолар.* Солиқ тўловчиларнинг солиқ потенциалини баҳолаш, яъни уларнинг зиммасига юклатилган солиқ тўловларини тўлай олиш даражасини баҳолаш, ўз навбатида солиқларни прогноз қилиш даражасига таъсир қилади, пировардида эса бюджет даромадларини режалаштириш жараёнига таъсир қилади. Шу жиҳатдан олганда солиқ тўловчиларнинг солиқ потенциалини тўғри аниқлаш солиқларнинг йиғилувчанлигига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

4. *Солиқ тўловчилар солиқ маданиятининг ривожланиши даражасининг наслиги.* Бюджетга солиқ тушумларининг бир маромда келиб тушиши кўпинча солиқ тўловчиларнинг солиқ маданияти даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Солиқ маданиятининг ривожланганлиги ўз навбатида солиқ боқимандалигининг камайишига ижобий таъсир қилади. Солиқ тўловчилар томонидан ўзларига юклатилган солиқ тўловларини тўғри англаб етган ҳолда тўлаб бориши, солиқ ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этиши, солиқни тўлашдан бўйин товламаслиги солиқларнинг йиғилувчанлигини оширишга хизмат қилади.

5. *Солиқ тўловчилар томонидан солиқ тўловларини тўлаш жараёнини тўғри ташкил этилмаганлиги.* Солиқларнинг бюджетга ўз вақтида тушиши кўп жиҳатдан солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларини бажаришни тўғри ташкил этиш, яъни солиқларни ўз вақтида тўлашни ташкил этишни режалаштириш солиқ тушумларининг бюджетга тушиш жараёнини таъминлайди, солиқ тўловчиларнинг бюджет олдидаги қарздорлигини камайтиришга имкон яратади, чунки солиқ тушумларини тўлашни режалаштириш солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларига тенг равишда молиявий манбаларни шакллантиришни ҳам тақозо этади. Солиқ тўловчилар томонидан тўланиши лозим бўлган солиқ тўловлари учун молиявий манбаларни режалаштириш бир томондан солиқ боқимандаликни камайтирса бошқа томондан солиқларни тўламаганлик учун молиявий ва бошқа жарималарни тўлашнинг олди олинади.

6. *Солиқ ундиришга хизмат қилувчи маъсул, ваколатли органларнинг фаолияти самарадорлигининг наслиги.* Солиқ тушумларининг йиғилувчанлиги юқорида кайд этиб ўтилганлардан ташқари солиқ ундиришга хизмат қилувчи органлар, жумладан, банк муассасалари, божхона органлари ҳамда маҳаллаларнинг солиқларни бюджетга ўтказиб бериш борасидаги фаолиятига ҳам боғлиқдир.

Жаҳон солиқ амалиёти бой ижобий тажрибаларини инобатга олган ҳолда солиқларни бюджетга ундириш ва бюджетдан қарздорлик даражасини камайтириш мақсадида *солиқ маъмуриятчилиги самарали воситаларини жорий этишда “солиқ тўловчилар ва солиқ органларининг ҳамкорликда ўсиш”ини таъминлашга қаратилган талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган ишончли ҳамкорликни ташкил этиш мақсадида солиқ*

органлари хизмат кўрсатиши очиқлиги жараёнларининг шаффофлигини ошириши лозим.

Диссертациянинг “Ўзбекистон Республикасида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомига риоя этилиши амалдаги ҳолатининг таҳлили” деб номланган учинчи бобида юридик шахсларнинг солиқ интизомига риоя этиш ҳолатининг таҳлили, жисмоний шахсларнинг солиқ интизомига риоя этиш ҳолатининг таҳлили, солиқ интизомига риоя этилишини таъминлаш юзасидан солиқ назорати вазифалари ижросининг таҳлили амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида солиқ турлари бўйича солиқ интизомига риоя этиш даражасини таҳлил қиламиз (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида солиқ турлари бўйича солиқ интизомига риоя этиш даражаси (фоиз ҳисобида)<sup>14</sup>**

Кўрсаткичлар	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2019 йилда 2015 йилга нисбатан ўзгариши (+,-)
Кўшилган қиймат солиғи	91,9	96,0	93,0	90,4	91,5	-0,4
Акциз солиғи	90,5	92,9	90,5	92,7	84,8	-5,7
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	92,3	95,2	92,8	95,2	97,6	+5,3
Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар	92,6	98,1	91,3	86,3	91,5	-1,1
Мол-мулк солиғи	91,3	95,8	91,8	88,8	86,4	-4,9
Ер солиғи	89,2	80,7	81,8	86,2	87,0	-2,2
Сув ресурсларидан фойда-ланганлик учун солиқ	88,2	90,4	88,9	90,8	94,9	+6,7
Ягона солиқ тўлови	88,9	89,3	91,3	95,2	91,7	+2,8
Бошқа солиқлар	90,5	92,5	94,9	67,4	85,4	-5,1
Солиқ интизомига риоя этиш даражасининг республика бўйича ўртачаси	92,6	95,2	91,7	90,7	91,4	-0,8

<sup>14</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланган.

Жадвалда келтирилишича, Ўзбекистон Республикасида солиқ интизомига риоя этиш даражаси таҳлил қилинаётган йилларда айрим солиқ турлари бўйича пасайиши кузатилган. 2016 йилда 2015 йилга нисбатан солиқ интизомига риоя этиш даражаси 2,6 пунктга ўсган, 2017-2018 йилларда эса 2016 йилга нисбатан 3,5-4,5 пунктгача пасайган, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 0,7 пунктга ўсган.

Энди эътиборни мамлакат миқёсида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомига риоя этиш орқали давлат бюджетининг солиқли даромадлари шаклланишида ҳудудларнинг иштироки таҳлиliga эътибор қаратамиз (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича солиқ интизомига риоя этиш даражаси (фоиз ҳисобида)<sup>15</sup>

Вилоятлар	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2019 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариши
Қорақалпоғистон Рес.	90,6	89,0	97,5	96,3	95,3	-1,0
Андижон вилояти	87,5	91,5	95,1	90,8	94,9	+4,1
Бухоро вилояти	92,5	98,1	95,8	92,7	93,4	+0,7
Жиззах вилояти	85,8	95,6	95,6	89,8	90,4	+0,6
Қашқадарё вилояти	92,9	89,4	94,3	98,0	98,1	+0,1
Навоий вилояти	99,8	96,2	90,0	91,8	95,6	+3,8
Наманган вилояти	92,9	46,1	98,2	91,7	93,3	+1,6
Самарқанд вилояти	94,3	94,3	94,5	92,4	94,3	+1,9
Сурхондарё вилояти	88,6	92,4	97,2	97,4	98,9	+1,5
Сирдарё вилояти	96,2	96,4	95,2	98,8	99,2	+0,4
Тошкент шаҳри	103,3	100,9	103,1	96,1	98,5	+2,4
Тошкент вилояти	96,6	91,7	93,3	93,1	95,7	+2,6
Фарғона вилояти	92,4	96,3	96,0	98,1	98,8	+0,7
Хоразм вилояти	96,6	88,9	95,6	94,8	96,5	+1,7

Келтирилган жадвал маълумотларига кўра, таҳлил қилинаётган 2015 йилда солиқ интизомига риоя этиш юқори даражасига (90 фоиздан юқори) эга ҳудудлар ўнтани, яъни Тошкент шаҳри – 103,3, Навоий – 99,8 фоиз, Фарғона вилояти – 92,4 фоиз, Тошкент вилояти – 96,6 фоиз, Самарқанд вилояти – 94,3 фоиз, Хоразм вилояти – 96,6 фоиз, Қашқадарё вилояти – 92,9 фоиз, Сирдарё вилояти – 96,2 фоиз, Наманган вилояти – 92,9 фоиз,

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳисобот маълумотлари.

Қорақалпоғистон Республикаси – 90,6 фоиз солиқ интизомига риоя этишга эга бўлган бўлса, 2019 йилга келиб улар сони 13 тага етган, яъни Жиззах вилоятидан ташқари барча ҳудудларда солиқ интизомига риоя этишнинг даражаси 90 фоиздан юқори бўлган.

2-жадвал маълумотларининг таҳлили асосида шуни қайд этиш керакки, мамлакатимизда бюджет-солиқ сиёсати устувор вазифаларининг ўз вақтида ва тўлиқлигича амалга оширилиши натижасида солиқ интизомига риоя этишнинг республика ва ҳудудлар бўйича асосан барқарор даражаси сақланиб қолинган. Таҳлил маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, фақатгина Қорақалпоғистон Республикасидагина 2019 йилда олдинги йилдагига нисбатан 1.0 пунктга пасайганлигини кўришимиз мумкин. Бу салбий ҳолат бўлиб ҳудудда солиқ бўйича боқиманда қарздорлик даражасининг ўсиб бораётганлигидан далолат беради.

Мамлакатимизнинг солиқ амалиётида тушумни камайтириб кўрсатиш, маҳсулот таннархини асоссиз равишда ошириб кўрсатиш ва нақд пуллардаги тушумни кассага кирим қилмаслик усуллари солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг асосий усуллари ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби шундаки, биринчидан, маҳсулотларнинг сезиларли қисми нақд пулларга сотилади, нақд пуллар солиқдан қочишнинг қулай воситаси ҳисобланади; иккинчидан, маҳсулотларнинг таннархини асоссиз равишда ошириб кўрсатиш юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи базасининг қисқаришига олиб келади; учинчидан, тушумни камайтириш эгри ва тўғри солиқлар суммасининг камайишига сабаб бўлади.

Солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ва солиқ органларининг солиқ қарзларини тартибга солиш ва ундириш юзасидан ишлари сифатини ошириш - бюджет даромадларини кўпайтиришнинг муҳим омили сифатида қаралаётир. Шу муносабат билан солиқ қарзларини тартибга солиш масалалари ўз ечимини бир томондан, солиқ органларининг назорат ва сервис функциялари, бошқа томондан эса, хўжалик субъектлари ижтимоий-иқтисодий функциялари балансини таъминлашга қаратилган комплекс ёндошувда топиши мумкин.

Диссертациянинг яқунловчи **“Молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш методологиясини такомиллаштириш йўналишлари”** деб номланган тўртинчи бобида давлатнинг самарали солиқ сиёсати истиқболларида унинг фискал механизмининг такомиллаштириш йўллари илмий асослаб берилган, Ўзбекистон Республикасида солиқ интизомини мустаҳкамлаш мақсадида солиқ назоратини такомиллаштириш истиқболлари илмий тадқиқ этилган ҳамда Ўзбекистонда 2030 йилгача бўлган даврда солиқ интизомини мустаҳкамлаш концепциясининг махсус варианты (СИМКМВ), шунингдек солиқ интизомининг молиявий хавфсизликка таъсирини баҳолашнинг математик аппарати ишлаб чиқилган.

2019 йилдан мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган фискал девальвация сиёсатини амалга оширишнинг бош омили сифатида - рақамли

иктисодиёт ва инновацион ривожланиш шароитида ошиб бораётган эҳтиёж ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий мажбуриятлари ва кафолатларини тўлиқ молиявий таъминлаш мақсадида фискал базанинг эгри солиқлар ва асосан, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)га таянган ҳолда амалга оширилиши ҳисобланади. Мазкур солиқ бўйича солиқ тўловчилар сонининг, солиқ объектлари ва солиқ базасининг ҳамда тушумларнинг кескин ортганлиги ҚҚС маъмуриятчилигининг солиқ органлари учун ўта маъсулиятли ва солиқ тўловчилар учун услубий жихатдан мураккаблигини асослайди.

Мамлакатимиз солиқ амалиётида ҳозирги кунда мавжуд ҚҚС маъмуриятчилиги ҚҚСни ҳисоблашнинг **инвойс усули**<sup>16</sup>га таяниб қолаётир ва унинг яқин истиқболдаги **бош муаммоси** сифатида – *“солиқ тўловчилар томонидан ҚҚС суммаларини кўп ҳолларда асоссиз тарзда қоплашга интилиши”* майдонга чиқади. Шу боисдан солиқ амалиётида мазкур солиқнинг фискал ижроси таъминланиши учун турли соҳаларда ҚҚС узлуксиз занжири давомийлигини таъминлаш учун айрим дифференциал ёндошув талаб этилаётир. Ушбу заруриятни инобатга олган ҳолда, бизнинг фикримизча, марказлашган маблағлар ҳисобига амалга оширилаётган қурилишлар учун бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларидан ажратилаётган маблағлар ҳисобига қўшилган қиймат солиғини 15 фоиз этиб белгилаш ҳамда махсус ҳисобрақам орқали ҳаракатлантириш тартибини жорий этиш юзасидан солиқ интизомини мустаҳкамлашга эришиш мумкин. Диссертацион тадқиқотимизда биз томонимиздан берилган ушбу таклиф Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан фойдаланиш учун қабул қилинди. Мазкур таклифнинг ижроси натижасида 2020 йил январь-май ойларида айнан шу тадбир ҳисобига 60 млрд.сўм маблағ ундиришга эришилган.

Давлатнинг самарали солиқ сиёсати узоқ муддатли истиқболларида унинг фискал механизмини такомиллаштириш самарали тадбирларининг Йўл харитаси (СТЙХ) асосига, аввало, давлатнинг ижтимоий вазибалари ва бюджет мажбуриятларининг ўсиб бориши шароитида унинг молиявий асосларини тўғри тахминлаштириш ва шакллантириш масаласи ҳамда унинг истиқболларида инвестицион фаолликни рағбатлантириш омили қўйилган (3-жадвал).

---

<sup>16</sup> “Инвойс” усулининг мазмуни ҚҚС узлуксиз занжирида ҳар бир иштирокчи томонидан амалдаги солиқ қонунчилиги доирасида олдиндан мавжуд келишувга асосан ҳисоб-китобларнинг тўғри олиб борилганлиги ҳақидаги ўзаро ишонч билдирилишини хусусиятлайди ва бу ҳолатнинг иштирокчилар томонидан доимо қўйилганидек, тўлиқ риоя этилишини ҳеч ким кафолатламайди.

**Давлат самарали солиқ сиёсати узоқ муддатли истиқболларида унинг фискал механизмини тақомиллаштириш йўли харитаси (СТҲХ)\***

Янги тахрирдаги Солиқ Кодексига мувофиқ солиқли даромадлар таркиби	Солиқли даромадлар ижросининг амалдаги ҳолати тавсифи	Давлатнинг самарали сиёсати истиқболларида унинг фискал механизмини тақомиллаштиришнинг бош мақсади	Давлатнинг самарали сиёсати истиқболларида унинг фискал механизмини тақомиллаштиришнинг стратегик вазифалари ва йўллари
<p><b>Янги тахрирдаги Солиқ кодексининг “Солиқларнинг ва йиғимларнинг турлари” деб номланган 17-моддасига мувофиқ:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) фойда солиғи;</li> <li>2) жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи;</li> <li>3) кўшилган қиймат солиғи;</li> <li>4) акциз солиғи;</li> <li>5) ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ;</li> <li>6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;</li> <li>7) мол-мулк солиғи;</li> <li>8) ер солиғи;</li> <li>9) ижтимоий солиқ.</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети солиқли даромадлари шаклланиши амалиёти тизимли муаммоларининг мавжудлиги.</li> <li>2. Солиқ-бюджет амалиётига солиқли даромадлар манбалари бўйича ижронинг бир текис эмаслиги тенденциясининг хос эканлиги.</li> <li>3. Ўзбекистон Республикасида солиқ тизими модернизацияси ва солиқ сиёсатининг янги концептуал асослари шароитида солиқ амалиётининг жаҳон андозаларига хос замонавий ҳуқуқий асосларининг яратилганлиги.</li> <li>4. Солиқли даромадлар ижроси жараёнида бюджетга боқиманда микдорининг (бюджетта тўловсизликнинг) сақланиб қолиши.</li> <li>6. Давлат бюджети солиқли даромадлари самарали ижросини таъминлаш аҳамиятининг ўсиши.</li> </ol>	<p><b>Бош мақсад:</b></p> <p>давлатнинг ижтимоий вазифалари ва мажбуриятларининг тобора ўсиб бориш тенденцияси кузатилаётган шароитда солиқли даромадлар барқарорлигини таъминлаш.</p>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Солиқли даромадлар самарали ижросини унинг барча манбалари бўйича таъминлашга эришиш.</li> <li>2. Солиқли даромадлар ўсиш суръатларини бюджет мажбуриятлари ўсишига мос тарзда бўлишини таъминлаш.</li> <li>3. Солиқли даромадларнинг бюджет тизими барча бўғинлари фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқаришга мос тарзда сифат ва миқдор жиҳатидан таъминланиши.</li> <li>4. Маҳаллий бюджетларнинг ўз ҳудуди солиқ базасининг мустаҳкамланиши ҳамда унинг имкониятлари яхшиланишидан манфаатдорликларини таъминлаш.</li> <li>5. Солиқ назоратининг кучайтирилиши ва унинг узлуксизлигини таъминлаш орқали давлат бюджети даромадлари ижроси тўлиқлигига эришиш.</li> <li>6. Солиқли даромадларнинг инвестицион, иқтисодий потенциал ўсиши ва ундан фойдаланиш даражасига мос тарзда бўлишига эришиш.</li> </ol>

\*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



**Солиқ интизомига риоя этилмаслиги схемаларини аниқлаш учун таянч индикаторлар**<sup>17</sup>

Солиқ тўловчининг белгиси	Таянч индикаторлар
Солиқ тўловчида реал иқтисодий фаолиятнинг мавжуд бўлмагани ҳолида оффшор мамлакатларда катта миқдордаги вакил ва ҳамкорларнинг мавжудлиги	Корхона товарлари ва фаолият секторини тез ўзгартиради Товароборот ҳажми қисқа фурсатда сезиларли даражада ўсди
Солиқ тўловчида реал иқтисодий фаолиятнинг мавжуд бўлмагани ҳолида турли кредит-молия муассасаларида 10-15та ҳисоб рақамларининг мавжудлиги	Фақат пул суммаларини олиш ва ўтказиш мақсадларидаги ҳисоб рақамларининг мавжудлиги
	Юқори кийматларда фойда олишни кафолатлайдиган бозорда унчалик машҳур бўлмаган, мавҳум обрўга эга бўлган корхоналар билан ҳамкорлик қилиши
	Солиқ тўловчи ўзи ишлаётган тармоққа, бозорга хос бўлмаган товарлардан фойдаланиш
Устав капиталининг минимал миқдори	Ҳисоб рақамидан ўтувчи пул маблағларининг умумий киймати жуда катта, ҳисоб рақамидagi қолдиқ эса, одатда жуда кам
	Кредит муассасалари кредитларининг йўқлиги, учинчи шахслар қарзларининг мавжудлиги
	Бир неча ҳисобот даври муддатларида мавсумий ёки тармоқ омиллари билан боғлиқ бўлмаган зарар билан фаолият юритилиши
Реал фаолиятга мос келмаслик	Ҳисоб рақамидан катта ҳажмда нақд пул чиқариб олиш
	Счёт-фактура ва ҳисоб-китоб ҳужжатларида зарур реквизитларнинг қўйилмаслиги
Корхона таъсисчиси сифатида айнан шу ҳудудда рўйхатга олинган яна 10-15 корхонада таъсисчи бўлган жисмоний шахснинг чиқиши	Доимий тарзда бир хил паст баҳодаги товарлар ва катта бўлмаган ёки доимий фойда билан такрорланувчи операциялар
Корхона раҳбари ва молиявий директори (ҳисобчиси)нинг бир шахс эканлиги	Корхонани бошқаришнинг хорижий фуқаролар, мамлакатнинг узок ва турли ҳудудларида рўйхатга олинган ҳамда корхона жойлашган ўрнига мувофик келмайдиган фуқаролар томонидан амалга ошириладиганлиги

<sup>17</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Кредит-молия институтлари ва солиқ органлари ўртасида маълумот алмашиш самарадорлигини ошириш ва **солиқ интизомига риоя этилмаслиги схемаларини олдиндан аниқлаш учун таянч индикаторларни** аниқлаб олиш ва улардан аналитик мақсадларда кенг фойдаланиш муҳим амалий аҳамиятга эга (4 -жадвал).

Солиқ тўловчиларнинг фаолияти мониторингини ўтказиш жараёнида солиқ органларининг ва кредит-молия ва бошқа муассасалар билан **ҳамкорлиги қуйидаги ижобий натижаларга** эришишнинг имконини бериши жаҳон солиқ амалиёти тажрибаларида исботланган: солиқ тўловчи жорий фаолияти юзасидан бирмунча тўлиқ маълумот базасига эга бўлиш; корхона ёки тармоққа оид бўлган йирик солиқ рискларини аниқлаш; келгуси солиқ текшируви ва назорат муолажалари учун муаммоли нуқталарни аниқлаш.

Ўзбекистон Республикасида *молиявий хавфсизлик мақсадида солиқ интизомини мустаҳкамлаш учун рискларни комплекс баҳолаш хизмати (РКБХ) нинг йўлга қўйилиши ва унинг вазифаларини илмий асослаш* муҳимдир<sup>18</sup>.

**Давлат солиқ хизматидаги мазкур янги таркибнинг асосий вазифаси** – солиқ тўловчилар фаолиятида доимий асосларда юзага келувчи рискларни аниқлаш, баҳолаш ва идентификациялаш бўйича умумий маълумот базасини шакллантириш ҳисобланади. Мазкур хизмат самарали фаолиятининг амалиётга қўлланилиши пул оқимлари ҳаракатланишини назорат қилувчи барча фискал органларнинг комплекс тарздаги ҳамжиҳат ҳаракатини ҳисобга олган солиқ маъмуриятчилиги ва мониторинги муолажаларини ўтказишга имкон беради.

Молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш жараёнида солиқ қарзлари самарали маъмуриятчилиги учун *солиқ тўловчиларни таснифлаш ва солиқ органлари ҳаракатига асосланувчи дифференциал ёндошув услубиётини* таклиф этамиз (5-жадвалга қarang).

Ўнгдаги колонкага ўз баҳоловчи кўрсаткичларини қўйиб солиқ органлари қарздорлар билан тизимли ишлашни ташкил этиш имконига эга бўладилар. Бошқача сўз билан айтганда, конун нормаларига риоя этилишига қаратилган иқтисодий характердаги тартибга солиш ҳаракатлари янада кўпроқ дифференциал ёндошувдаги хусусиятга эга.

Таклиф этилаётган гуруҳлашни солиқ тўловчилар – юридик шахслар ва жисмоний шахслар кесимида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ва тўланадиган солиқ турлари бўйича ҳам амалга ошириш мумкин.

---

<sup>18</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сон қарорига мувофиқ “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси” 3-боб 3-банди ҳам айнан “Солиқ таваккалчиликларини баҳолаш тизимини жорий қилиш ва солиқ ҳисобини такомиллаштириш”деб номланиши бежиз эмас.

**Молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини  
мустаҳкамлаш учун солиқ тўловчиларнинг таснифланиши\***

Т/р	Солиқ тўловчилар	Солиқ органлари тадбирлари	Гуруҳдаги улуши, %
1	Солиқ мажбуриятларини тўлик бажаради, солиқдан қарзи йук	Хабардор қилиш, маслаҳат, ёрдам	
2	Солиқ қонунчилиги бузилишига йўл қўймайди, баъзан жорий қарзлар юзага келади	Хабардор қилиш, тавсиялар бериш, маслаҳат, диалог, талабнома юбориш	
3	Доимий назорат остида солиқ қонунчилигига риоя қилади, қисман тўлаб борилаётган илгариги қарзлар мавжуд	Назорат, санкциялар, бюджет билан ҳисоб-китобларнинг ҳар ойлик мониторинги, тўлов муддатини кечиктириш (узайтириш)	
4	Солиқ қонунчилигини инкор этади, маъмурий ва бошқа ҳукумат ваколатларига беркинади, илгариги қарзлар мавжуд, улар тўланмаётир ва ўсиб бормоқда	Назорат, жарима санкциялари, банкротлик таомилларини қўллаш, ишни ваколатли органлар (Бош Прокуратура ҳузуридаги иктисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти, МИБ) ёки юқори солиқ органига ўтказиш	

\* Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш жараёнида солиқ қарзини маъмурий бошқариш мақсадлари учун солиқ тўловчиларнинг таклиф этилаётган таснифини қўллаш самарадорлиги (Сскм)ни қуйидаги формула орқали баҳолаш мумкин:

$$\text{Сскм} = (\text{Кт} + \text{Ку} + \text{Кфю}) : \text{Ктлб} * 100 \quad (2^*)$$

\* Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бу ерда: Кт – таҳлил қилинаётган даврда тўланиши лозим бўлган суммадан тўланган сумма;

Ку – умидсиз қарз суммаси;

Кфю - фаолият юритмаётган юридик шахсларнинг кечиб юборилган қарзлари суммаси;

Ктлб – тўланиши лозим бўлган қарз суммаси.

Мазкур кўрсаткичнинг динамикаси солиқ органларининг солиқ қарзларини маъмурий бошқариш юзасидан тадбирлари самарадорлигини баҳолаш мезони сифатида майдонга чиқади. Таклиф этилаётган кўрсаткич солиқ органлари фаолиятини баҳолашда қўлланилиши мумкин, у Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасининг жойлардаги солиқ органлари қиёсий таҳлилинини ўтказишга, солиқ қарзларини маъмурий бошқариш тизими

самарадорлигини ошириш учун ижобий тажрибаларни умумлаштиришга имкон беради.

Янги шароитларда солиқ амалиётимизда солиқ органларининг солиқ тўловчилар билан “хамкорликда ўсиш”га асосланган фаолият юритишларининг самарали тадбирлари таркибида солиқ тўловчиларни нафақат солиқ интизомига риоя этилиши нуқтаи-назаридан таснифлаш, балки шу билан бирга “риск-тахлил” тизимида солиқ тўловчининг реал имкониятларини ўрганиб бориш, уларнинг ҳолатидан келиб чиқиб “солиқ тўловчининг солиқ базасини мустаҳкамлаш истиқболларига оид таъсирчан чораларни ҳаётга тадбиқ этиш” ҳам ўта муҳим аҳамият касб этади.

Бизнинг фикримизча, мана шундай самарали чоралардан бири – ҳеч бўлмаганда интизомли солиқ тўловчилар (“яшил ранги” солиқ тўловчилар) учун уларнинг реал молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, уларга солиқ тўловларини амалга оширишда маълум амалий ёрдам кўрсатиш зарур. Бундай ёрдам турига - солиқ тўловчиларга бир йилдан уч йилгача муддатга солиқ тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш асосида тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масаласини киритиш мумкин. Бизнинг диссертацион тадқиқотимизда таклиф этилган мазкур тавсия Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳририда (97-модда) ўз аксини топди. Мазкур таклифнинг солиқ амалиётига жорий этилиши натижасида бир томондан солиқ тўловчилар ўз айланма маблағларига эга бўлишига қулай имконият яратилган, бошқа томондан эса тўлаш муддати кечиктирилган суммага фоиз тўлаш тартиби жорий қилинганлиги сабабли бюджетга тўловлар интизоми мустаҳкамланишига эришилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилигининг самарали воситалари ва тадбирларини ҳаётга тадбиқ этиш солиқлар бўйича тўлов интизоми мустаҳкамланиши учун интизомсиз (қизил рангдаги) солиқ тўловчиларга нисбатан пеня ва жарималар меъёрларини оширишни кўзда тутувчи давлат тадбири, шу билан бир вақтда солиқ органларига нисбатан таъсир чораларида ҳам шу каби ўзгаришлар бўлишини кўзда тутуди, яъни солиқ органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг ортиқча тўланган ёки нотўғри ҳисобланган солиқ тўловларини қайтаришлари чоралари бўйича маъсулиятни ҳам кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан, мамлакат молиявий хавфсизлигини таъминлашда, солиқ тўловчиларнинг молиявий ҳолатини ёмонлашувига йўл қўймаслик учун муддатида қайтарилмаган ортиқча тўловлар ҳамда ортиқча ундириб олинган солиқ суммаларига қайта молиялаштириш ставкасига тенг бўлган 14 фоиз ставкада фоиз тўлаш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бизнинг диссертацион тадқиқимиз натижаларига асосланган мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сонли қарорида ўз аксини топган. Мазкур таклифнинг ижроси натижасида солиқ тўловчиларнинг айланма маблағларини солиқ идоралари томонидан олиб қўймаслик тартибига риоя этишлари таъминланган ва ушбу тадбир орқали маблағларнинг оборотдан четлашуви камайгани боис солиқ

тўловчиларнинг банк кредитларига бўлган талабини маълум бир миқдорга камайтирган.

Худди шу каби, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича бажарилмаган мажбуриятлари бўлган солиқ тўловчи ўзининг банк ҳисобварағида пул маблағлари мавжуд бўлишидан қатъи назар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни Солиқ кодексида белгиланган тўлаш муддатидан кечиктирмай уларни хизмат кўрсатаётган банкка тўлаш учун тўлов топшириқномасини тақдим этиши шарт ва бу жараёнда солиқ мажбуриятлари бажарилишининг таъминланганлиги фискал вазифа ижроси учун давлат солиқ менежментининг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Дарҳақиқат, замонавий бозор талаблари асосида давлат молиясини бошқариш тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналиши – фискал мақсадда режалаштирилган солиқ тушумларининг тўлиқ, ўз вақтида ва самарали ижроси учун худди банк амалиётидаги каби “маблағлар тушумининг таъминланганлиги”га эришиш ҳисобланади. Шу боисдан, мамлакат молиявий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, солиқ амалиётимизда солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятини таъминлашнинг иқтисодий усулларида кенг фойдаланиш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бизнинг диссертацион тадқиқимиз натижаларига асосланган мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳририда (106-модда) ўз аксини топди. Мазкур таклифнинг инобатга олиниши натижасида солиқ амалиётига солиқ мажбуриятининг бажарилишини мол-мулк гарови, кафиллик, банк кафолати каби усуллар билан таъминлаш мумкинлиги жорий қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сон қарорига мувофиқ “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси” ва “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”” ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжатда амалга оширилиши режалаштирилган тадбирлар Ҳаракатлар стратегиясидаги каби 2021 йилгача муддатга мўлжалланган.

Шу боисдан мамлакатимизда солиқ тизимини модернизациялашнинг узоқ муддатли стратегиясига ҳамоҳанг бўлган Ўзбекистонда 2030 йилгача бўлган даврда солиқ интизомини мустаҳкамлаш Концепцияси (СИМКМВ)ни махсус вариантини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади (6-жадвал).

Унда асосий эътибор солиқ органлари ва солиқ тўловчиларнинг ҳамкорликда ўсишига эришишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш Концепциясининг *бош мақсади* сифатида давлат бюджети самарали ижроси мақсадида солиқ органи ва солиқ тўловчилар ўртасидаги манфаатларнинг уйғунлашувини таъминлаш майдонга чиқади.

**Ўзбекистонда 2030 йилгача бўлган даврда солиқ интизомини мустаҳкамлаш Концепцияси(СИМКМВ)нинг махсус варианты<sup>19</sup>**

Ўзбекистон Республикасида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш Концепциясининг мақсади ва йўналишлари	Ўзбекистон Республикасида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш Концепцияси тадбирлари амалга оширилиши босқичларининг тавсифи	Концепция вазифаларини амалга ошириш мезонлари	Ўзбекистон Республикасида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар самарадорлигини таъминлаш шартлари	Концепция вазифаларининг амалга оширилиши ва Ўзбекистон Республикасида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлашга қаратилган самарали тадбирлар ижросидан қутилажак натижа
<p>Давлат молиявий хавфсизлигини таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш муҳим ва устувор масала ҳисобланиб, ушбу зарурият уни таъминлашга янги концептуал ёндашувни ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Ўзбекистон Республикасида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлашга қаратилган самарали тадбирлар Концепциясининг <i>асосий мақсади</i> давлат бюджети самарали ижроси мақсадида солиқ органи ва солиқ тўловчилар ўртасидаги манфаатларнинг уйғунлашувини таъминлашдан иборат.</p>	<p>1. 2021-2022 йиллар. - Солиқ органларини “сервис хизматига ихтисослашган таркиб”га айлантириш. 2. 2023-2025 йиллар. - Солиқ хизмати органлари фаолиятининг жаҳон стандартлари даражасига унификацияси. 3. 2026-2027 йиллар. - Солиқ маъмуриятчилиги самарали фаолияти шаклланиши жараёнини яқунлаш. 4.2028-2030 йиллар. – Давлат солиқ хизмати органларининг солиқ тўловчилар билан тежамлилиқ, натижавийлик ва сифат асосидаги “ҳамкорликда ўсишга асосланган” самарали фаолияти.</p>	<p>Ўзбекистон Республикасида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлашга қаратилган самарали тадбирлар бўлмиш фаолият самарадорлиги мезонлари – манфаатлар уйғунлиги, тежамлилиқ, натижавийлик ва солиқ муносабатларини бошқариш органлари ташкилий ҳаракатларининг сифати ҳисобланади. Бундай тадбирлар самарадорлигининг барча мезонлари бири-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг муттасил ошиб боришигина солиқ интизомини мустаҳкамлаш имконини беради.</p>	<p>Ўзбекистон Республикасида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлашга қаратилган самарали тадбирлар самарадорлигини таъминлаш шартларига риоя этиш солиқ тўловчилар билан солиқ органлари ўзаро манфаатли ҳамкорлигини такомиллаштириш ва солиқ маъмуриятчилиги самарали фаолиятини таъминлаш имконини беради.</p>	<p>Қутилаётган асосий натижа – давлат бюджети солиқли даромадларининг ўсиши бўлиб, унга қуйидагилар орқали эришилади: –солиқ қонунчилиги бузилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва огоҳлантириш; –солиқ тўловчиларга ўз солиқ мажбуриятларини талаб қилинган тарзда тўлиқ бажаришдан манфаатдорлик яратиш ва ижронини соддалаштириш; –солиқ муносабатлари иштирокчилари манфаатларини уйғунлаштириш.</p>

Бош мақсадга эришиш учун қуйидагилар Концепциянинг *асосий йўналишлари* этиб белгиланиши лозим:

солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини ихтиёрий бажаришга асосланган, талабларни қаноатлантиришга йўналтирилган ишончли ҳамкорликни ташкил этиш;

<sup>19</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

замонавий солиқ маъмурчилигини ташкил этиш ҳисобига солиқ тушумларини барқарор тушишини таъминлаш;

давлат солиқ хизмати органларининг информацион ресурсларидан фойдаланишни такомиллаштириш ва кадрлар сифатини яхшилаш ҳисобига кўрсатиладиган солиқ хизматлари сифатини ошириш;

иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида, инвесторлар ва тадбиркорлар учун максимал даражада қулай шарт-шароитлар яратиш учун солиқ юкини камайтириш, ихчам, содда ва барқарор солиқ тизимини жорий этиш.

Юқоридаги мулоҳазалар ва илмий-таҳлилий ишлардан олинган хулосаларни инобатга олиб, мамлакатимиз молиявий хавфсизлигига таъсир этувчи кўрсаткичларининг математик аппаратини яратишда илғор эконометрик методларни қўллаган ҳолда коинтеграция ҳамда авторегрессив тақсимланган лаг усулида солиқ интизомини молиявий хавфсизликка таъсири таҳлил қилинди. Бунда қуйидаги функционал боғланиш тузиб олинди:

$$FSE = f(TDS, BRV, BEX, PDB) \quad (3^*)$$

Бу ерда:

**FSE** – молиявий хавфсизлик (бюджетнинг мувозанатлашганлик) даражаси;

**TDS** – солиқ интизомига амал қилиш даражаси;

**BRV** – бюджет даромадлари ҳажми динамикаси;

**BEX** – бюджет харажатлари ҳажми динамикаси;

**PDB** – давлат ва давлат кафолати остидаги қарз динамикаси.

Песаран қоидасига мувофиқ (1) функцияси ARDL тестини чекланмаган хатоликни силлиқлаш модели (UECM) кўринишида ифодаланди:

$$\begin{aligned} \Delta \ln FSE_t = & \varphi_0 + \sum_{i=1}^p \varphi_1 \Delta FSE + \sum_{i=0}^p \varphi_2 \Delta \ln TDS_{t-i} + \sum_{i=0}^p \varphi_3 \Delta \ln BRV_{t-i} + \\ & \sum_{i=0}^p \varphi_4 \Delta \ln BEX_{t-i} + \sum_{i=0}^p \varphi_5 \Delta \ln PDB_{t-i} + \beta_1 \ln FSE_{t-1} + \beta_2 \ln TDS_{t-1} + \\ & \beta_3 \ln BRV_{t-1} + \beta_4 \ln BEX_{t-1} + \beta_5 \ln PDB_{t-1} + u_t \end{aligned} \quad (4^*)$$

Таҳлил методи танлаб олиниб, унинг математик формуласи, сўнгра модель гипотезаси тузилди. Бунда молиявий хавфсизлик ва солиқ интизоми ўртасида коинтеграция мавжуд эмаслигини кўрсатувчи ноль гипотеза қуйидагича ифодаланади:

$$H_0: \varphi_1 = \varphi_2 = \varphi_3 = \varphi_4 \quad (5^*)$$

Молиявий хавфсизлик ва солиқ интизоми ўртасида коинтеграция мавжудлигини кўрсатувчи муқобил гипотеза қуйидагича ифодаланади:

$$H_a: \varphi_1 \neq \varphi_2 \neq \varphi_3 \neq \varphi_4 \quad (6^*)$$

F-тест ёрдамида коинтеграция мавжудлиги исботлангандан сўнг узоқ муддатли боғланиш шартли ARDL модели ёрдамида аниқланди.

$$\ln FSE_t = \varphi_0 + \beta_1 \ln FSE_{t-1} + \beta_2 \ln TDS_{t-1} + \beta_3 \ln BRV_{t-1} + \beta_4 \ln BEX_{t-1} + \beta_5 \ln PDB_{t-1} + u_t \quad (7^*)$$

Унга кўра солиқ интизомига амал қилиш коэффициенти 5 фоизлик эҳтимолликда молиявий хавфсизликка сезиларли даражада ижобий таъсир қилишини кўрсатди. Қолган омиллар ўзгаришсиз қолган тақдирда солиқ интизомига амал қилиниши коэффициенти (0,226891) 1 фоизга ўсиши 0,22 фоиз иқтисодий ўсишга сабаб бўлади. Бюджет даромадлари динамикаси (0,015858) ҳам иқтисодий ўсишга ижобий таъсир қилиб, унинг 1 фоизга ўсиши қарийб молиявий хавфсизлик даражасини 0,016 фоизга ўсишга олиб келади.

Қисқа муддатли боғланиш тестини ўтказиш учун эконометрик модель хатоликни тўғрилаш механизми элементларини ўз ичига олган куйидаги кўринишга келтирилди:

$$\Delta \ln FSE_t = \varphi_0 + \sum_{i=1}^p \varphi_1 \Delta \ln FSE_{t-i} + \sum_{i=0}^p \varphi_2 \Delta \ln TDS_{t-i} + \sum_{i=0}^p \varphi_3 \Delta \ln BRV_{t-i} + \sum_{i=0}^p \varphi_4 \Delta \ln BEX_{t-i} + \sum_{i=0}^p \varphi_5 \Delta \ln PDB_{t-i} + \delta ECM_{t-1} + u_t \quad (8^*)$$

\* Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қисқа муддатли динамик боғлиқлик узоқ муддатли боғлиқлик белгиларига тўла мос келади ҳамда 5 фоизлик эҳтимоллик билан ҳисобланган хатоликларни тўғрилаш модели коэффициенти (-0,72973) нисбатан салмоқли бўлиб, жадал ўзгарувчанлик белгиларини намоён қилмоқда. Молиявий хавфсизликка солиқ интизоми даражаси 0,7 фоизга, бюджет даромадлари ҳажмининг динамикаси 0,04 фоизга, бюджет харажатлари ва давлат қарзи ҳажми динамикаси эса 0,004 коэффициентга тенг таъсир кучи билан қисқа муддатли боғлиқлик касб этган. Таҳлил натижаларига кўра, республикамиз молиявий хавфсизлигига солиқ интизомининг узоқ муддатли ва қисқа муддатли боғлиқликда ҳам ижобий аҳамиятга эгаллиги келиб чиқади.

## ХУЛОСА

Диссертация ишида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар ишлаб чиқилди:

1. Мамлакат иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш учун солиқ органлари фаолиятининг асосий вазифаси сифатида – солиқ маъмуриятчилигида солиқ тўловчининг талабларини қаноатлантиришга



қаратилган ёндашувни жорий этиш, ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳисобланади. Солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилиши юзасидан улар билан ҳамкорлик қилишни йўлга қўйиш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш даражасининг пасайишига таъсир этади.

2. Ўзбекистон Республикасида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлашнинг интерактив тизимларини самарали ташкил этиш ва улардан фойдаланиш солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг марказлаштирилган тартибда ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштиради. Солиқ тўловчиларга кенг қўламли замонавий интерактив хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилади. Солиқ тўловчилар мажбуриятларининг пайдо бўлиши бўйича вазирлик ва идоралардан турли йўналишдаги маълумотлар олиниши ташкил этилишига ва Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлар ягона ахборот базасига интеграциялаштирилишига ва натижада ташқи манба маълумотлари асосида қўшимча солиқ объектларини ҳисобга олиш имконияти юзага келишига ва бунинг натижасида бюджетга солиқли тушумлар миқдори ошишига олиб келади.

3. Ўзбекистон Республикасида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш мақсадида солиқ назорати самарадорлигини оширишга информацион тизим ва технологияларни модернизациялаш ҳамда солиқ муносабатлари иштирокчиларининг электрон мулоқотли ҳамкорлигини йўлга қўйиш билан эришиш мумкин. Электрон маъмурчилигида счет-фактураларни электрон рўйхатга олишнинг ягона тизимини ташкил этиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи манбасини аниқлаш, корхоналар ўртасидаги муносабатлар шаффофлигини таъминлаш имконини беради.

4. Молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлашга қуйидаги самарали тадбирларни амалга ошириш орқалигина эришиш мумкин: солиқ органлари ишини ташкил этишда “мижозга асосланган ёндошув”ни жорий этиш, такомиллаштириш ва янада мукамаллаштириш; назорат фаолиятининг таъсирчан шакллари ва усулларига, солиқ тўловчи фаолиятини текширувдан олдинги чуқурлаштирилган таҳлилига асосланган солиқ маслаҳати институтини такомиллаштириш; солиқ инспекторларининг ўз хизмат мажбуриятларини сидқидилдан бажаришларига юксак шахсий жавобгарликларини ошириш; солиқ назорати тадбирларида фойдаланилувчи информацион тизим ва технологияларни модернизациялаш ҳамда солиқ муносабатлари иштирокчиларининг электрон мулоқотли ҳамкорлигини йўлга қўйиш.

5. Ўзбекистон Республикасида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш учун рискларни комплекс баҳолаш хизмати (РКБХ) нинг йўлга қўйилиши ва унинг вазифаларини илмий асослаш муҳимдир. Давлат солиқ хизматидаги мазкур янги таркибнинг асосий вазифаси – солиқ тўловчилар фаолиятида доимий асосларда юзага келувчи рискларни аниқлаш, баҳолаш ва идентификациялаш бўйича умумий маълумот базасини шакллантириш ҳисобланади. Мазкур хизмат самарали

фаолиятининг амалиётга қўлланилиши пул оқимлари ҳаракатланишини назорат қилувчи барча фискал органларнинг комплекс тарздаги ҳамжиҳат ҳаракатини ҳисобга олган солиқ маъмуриятчилиги ва мониторинги муолажаларини ўтказишга имкон беради.

6. 2019 йилдан мамлакатимизда вақтинчалик зарурий чора сифатида қўлланиб келаётган давлатнинг фискал девальвация сиёсати тадбирлари аҳамияти давр тақозоси ила камайган ёки ўз кучини йўқотган шароитда давлатнинг самарали солиқ сиёсати узоқ муддатли истиқболлари (2021-2030йй.)да унинг фискал механизмини такомиллаштириш самарали тадбирларининг Йўл харитаси (СТЙХ) ва унинг асосига, аввало, давлатнинг ижтимоий вазифалари ва бюджет мажбуриятларининг ўсиб бориши шароитида унинг молиявий асосларини тўғри тахминлаштириш ва шакллантириш масаласи ҳамда унинг истиқболларида инвестицион фаолликни рағбатлантириш омили қўйилган.

7. Ўзбекистонда 2030 йилгача бўлган даврда солиқ интизомини мустаҳкамлаш Концепцияси (СИМКМВ)нинг махсус варианты мамлакатимизда солиқ тизими модернизациясининг бош мақсадига мувофиқ келади ҳамда солиқ маъмуриятчилигининг бюджетга солиқ тўлаш мажбуриятлари ихтиёрийлигини таъминлашга кўпроқ асосланиши лозимлигини тасдиқлайди.

Илмий тадқиқотда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни амалиётга жорий қилиш солиқ соҳасидаги ислоҳотларни самарали амалга оширишда ва шунингдек, молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.I.17.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНЫХ ЗВАНИЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОМ ФИНАНСОВОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ФИНАНСОВЫЙ ИНСТИТУТ**

**АЛЛАЯРОВ ШАМСИДДИН АМАНУЛЛАЕВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ УКРЕПЛЕНИЯ  
НАЛОГОВОЙ ДИСЦИПЛИНЫ ПРИ ОБЕСПЕЧЕНИИ  
ФИНАНСОВОЙ БЕЗОПАСНОСТИ**

**08.00.07 – Финансы, денежные отношения и кредит**

**АВТОРЕФЕРАТ**  
диссертации доктора экономических наук (Doctor of Science)

**город Ташкент – 2021год**

**Тема докторский диссертации (Doctor of Science) зарегистрирована под номером B2017.3.DSc/Iqt94 в Высшей Аттестационной Комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.**

Диссертация выполнена в Ташкентском финансовом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) и на информационно-образовательном портале “ZiyoNet” ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный консультант:</b>	<b>Ташмурадова Бувсара Эгамовна</b> доктор экономических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Гулямов Саидахроп Саидахмедович</b> академик, доктор экономических наук, профессор <b>Жумаев Нодир Хасиятович</b> доктор экономических наук, профессор <b>Ниязметов Исломбек Машарипович</b> доктор экономических наук
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ташкентский Государственный экономический университет</b>

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc. 03/30.12.2019.I.17.01 по присвоению ученых званий при Ташкентском финансовом институте «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ числа 2021 года \_\_\_\_\_ часов. Адрес: 100000, город Ташкент, проспект Амира Тимура, дом 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [ilmiykengash@tfi.uz](mailto:ilmiykengash@tfi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского финансового института (зарегистрировано под номером \_\_\_\_\_). Адрес: город Ташкент, проспект Амира Тимура, дом 60А. Тел.: (99871) 234-53-34.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(Протокол реестра № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года).

**Т.З. Тешабаев**

Председатель научного совета по присуждению ученых званий, доктор экономических наук, профессор

**Н.Н. Каландарова**

Секретарь научного совета по присуждению ученых званий, доктор философии по экономическим наукам (PhD)

**И.Н. Кузиев**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых званий, доктор экономических наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** Критерии укрепления налоговой дисциплины в обеспечении финансовой безопасности в мире разработаны международными организациями, и особое внимание уделяется совершенствованию государственной налоговой политики с учетом требований этого критерия. Но условия нынешней глобальной пандемии резко повысили вероятность угроз финансовой стабильности стран во всем мире. В частности ученые-экономисты и эксперты США утверждают, что “в странах с низкой налоговой дисциплиной высок риск финансового кризиса, и без усиления налоговой дисциплины невозможно обеспечить финансовую стабильность какими-либо экономическими средствами”<sup>1</sup>. По результатам исследования и прогноза Конференции Генеральной Ассамблеи ООН по торговле и развитию «пандемический кризис приведет к резкому сокращению прямых иностранных инвестиций в 2020-2021 годах, и если их приток в 2019 году составлял 1,54 трлн долларов США, то к концу 2020 года ожидается снижение их объема до 40 процентов»<sup>2</sup>. В этих условиях возрастает важность обеспечения финансовой безопасности на основе усиления налоговой дисциплины.

Международные организации, такие как Всемирный банк, Международный валютный фонд и Программа развития Организации Объединенных Наций, которые являются влиятельными финансовыми учреждениями в международной практике, проводят широкомасштабные исследования с целью совершенствования методологических рекомендаций по обеспечению финансовой безопасности. Согласно результатам научных исследований, проведенным Международным валютным фондом о влиянии налоговой дисциплины на эффективность деятельности хозяйствующих субъектов в развивающихся странах обосновано, что уровень соблюдения налоговой дисциплины в странах с эффективным налоговым администрированием относительно высок. Эти исследования проведены авторитетными исследовательскими центрами и предоставляют возможность улучшения налогового администрирования на основе требований международных стандартов. Это является важным фактором для дальнейшего совершенствования методологии усиления налоговой дисциплины в обеспечении финансовой безопасности на основе опыта развитых стран.

Возникает необходимость в разработке методологии и общей теории укрепления налоговой дисциплины в обеспечении финансовой безопасности в Узбекистане за счет использования новых эффективных средств и методов управления государственными финансами. В связи с этим приоритетными

---

<sup>1</sup> Schuberth, H. (2014). Tax Policies and Financial Stability: Lessons from the Crisis. DOI:10.7551/mitpress/9780262018340.003.0006

<sup>2</sup> World investment report 2020. International production beyond the pandemic. 2020. United Nations. P. 2. [https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/wir2020\\_overview\\_ru.pdf](https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/wir2020_overview_ru.pdf)

направлениями экономического развития и либерализации отмечены «продолжение политики снижения налоговой нагрузки и упрощения налоговой системы, совершенствование налогового администрирования и расширение соответствующих стимулирующих мер»<sup>3</sup>, «упрощение налогового законодательства, устранение противоречий и конфликтов в нормативных актах в области налоговых отношений, усиление защиты прав и законных интересов добросовестных налогоплательщиков»<sup>4</sup>, «Необходимость повышения уровня добровольного исполнения налоговых обязательств до 90% по завершении выполнения задач Стратегии совершенствования налогового администрирования»<sup>5</sup>. Этим определены задачи стратегического планирования и прогнозирования для проведения государством эффективной налоговой политики. Эти задачи подчеркивают необходимость стимулирования социальной сферы и совершенствования налогового администрирования, обеспечения стабильности доходов бюджета, усиления налоговой дисциплины, усиления ее роли в обеспечении финансовой безопасности, а также совершенствования методологической базы для укрепления налоговой дисциплины.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации задач, поставленных в указах Президента Республики Узбекистан УП-5116 от 18 июля 2017 г. «О мерах по кардинальному совершенствованию налогового администрирования, увеличению собираемости налогов и других обязательных платежей», УП-5614 от 8 января 2019 г. «О дополнительных мерах по обеспечению дальнейшего развития экономики и повышению эффективности экономической политики», УП-5544 от 21 сентября 2018 года «Об утверждении стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы», УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП-5837 от 26 сентября 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию налоговой политики Республики Узбекистан», постановлений ПП-3802 от 26 июня 2018 года «О мерах по коренному совершенствованию деятельности Государственной налоговой службы», ПП-4389 от 10 июля 2019 года «О дополнительных мерах по совершенствованию налогового администрирования», Постановлений Кабинета Министров Республики Узбекистан № 320 от 17 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Государственной налоговой службы», № 736 от 20 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по дальнейшему

---

<sup>3</sup>Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах. Приложение-1 к Указу Президента Республики Узбекистан от 8 февраля 2017 года №УП4947 //Народное слово. 2017. 8 февраля.

<sup>4</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5837 от 26 сентября 2019 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию налоговой политики Республики Узбекистан».

<sup>5</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-4389 от 10 июля 2019 года. 1-е приложение «Стратегии совершенствования налогового администрирования». Глава 3. Статья 3.3..

совершенствованию налогового администрирования», а также другими нормативными документами, относящимися к данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с 1-ым приоритетным направлением развития науки и технологий республики – «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

